

«Туркистон вилоятининг газети»нинг учинчи нўмрасида «сарт» сўзи хакида ўшлик Мирзо Кодиржоннинг гофилони ва мутаассибона ёзгон бир мақоласини ўқиб, таажжуб этдик. Бир-икки ой ичида «сарт» сўзи ва маъносина мутааллук «Вакт» ҳам «Шўро»да баъзи шайлар ёзилмиш эди.

Энди Кодиржон афанди «сарт» сўзи хакида килингон эътирозлари рози бўлмай деюрки, «сарт» сўзи киши нафрат қилгудек бўлмай, балки неча маънидор муқаррам сўзи сарга итлок қилинурки, алардин бири подшоҳзода - тоза насли - филолсуф демак ўлур». Бечора Кодиржон афандининг тарихдан ва миллият хиссидин заррача хиссаси йўқ эмишки, ота-бобосидан мерос қолгон турқлик ва ўзбеклик номини қабул қилмай, зоҳиран тумтарокли маъносига алдануб «сарт» исмини қабул этмишдур. Кодиржон афанди ҳам бошқа одамлар билсунларки, биз туркистонлилар турқ эдик. Ҳозирда ҳам турқмиз. Минбаъд ҳам турқ исми ила қоламиз. Агарда турқлигимизга шубҳа этувчилар бўлса, очсунлар тарихимизни.

Бурунги қаҳрамон турқ-ўзбек боболаримиз ҳозирда барҳаёт бўлмасалар-да, аларнинг номлари ила дунёда қилгон ишлари тарих саҳифаларида тайин ва мусамматдур. Дуруст, бир неча қитобларда «сарт» сўзи зикр бўлмишдур. Англашилдиқина қўра, бу ном номаълум халқ тарафидин Туркистондаги бир жамоа қабиланинг бўйинларига тақилгон бир лақабдур. Ул лақаб ила биз умумтуркистонлилар турқликдин чиқиб, сарт бўлмасмиз. Шунинг учун агар чиндики (сарт) сўзининг маъноси авлиёзода бўлсун, пайғамбарзода бўлсун, бизлар сартликни бўйнимизга тақмасмиз. Шул сабабли Хўканд ёшларининг «сарт» хакида қилгон «прутест» - эътирозлари ҳақлидур. Бизлар ҳам шул ҳусусда аларга қўшиламыз.

*«Туркистон вилоятининг газети»,*

*1913 йил, 17 январь*